

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮСУПОВ ШАРОФИДДИН БЎРОНОВИЧ

**ШИРИН ҚАЛАМПИР КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ
САМАРАДОР ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on technical sciences**

Юсупов Шарофиддин Бўронович

Ширин қалампир кўчатларини етиштиришнинг самарадор
электротехнологияси3

Юсупов Шарофиддин Буранович

Эффективная электротехнология выращивания рассады сладкого перца.....21

Yusupov Sharofiddin Buranovich

Effective electrical technology for growing sweet pepper seedlings.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮСУПОВ ШАРОФИДДИН БЎРОНОВИЧ

**ШИРИН ҚАЛАМПИР КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ
САМАРАДОР ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг В2022.4.PhD/T1839 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziyo Net» Ахборот таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Байзаков Тахир Мирзанович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Музафаров Шавкат Мансурович
техника фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Олимжон Турсунбоевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Аграр Университети

Диссертация ҳимояси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 13 декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71)237-09-45; факс: (+998-71)237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (236-рақам билан рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71)237-09-45; факс: (+998-71)237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил « 3 » декабр куни тарқатилди.
(2022 йил « 30 » август даги 80 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Мирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

У.Т. Кузиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, PhD, доцент.

А. Мухаммадиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қўшидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

(Handwritten signature)
А. Мухаммадиев

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сабзавот ва полиз экинлари кўчатлари етиштириш учун энергия-ресурстежамкор техника ва технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 33,4 млн. тонна ширин қалампир меваси етиштирилишини ҳисобга олсак»¹, етиштирилган ширин қалампир меваларини таннархини арзонлаштириш учун ресурстежамкор технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Жумладан ширин қалампир ўсимлиги вегетация даврида энергия-ресурстежамкор техника воситалари, ва қурилмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу жиҳатдан ширин қалампир кўчатларини етиштиришда уни авжлантириш электротехнологиялари ва қурилмаларини кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ширин қалампир ва унинг кўчатларини етиштириш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ширин қалампир меваларини етиштиришда унинг уруғларига ва вегетация даврида керакли даражада ўсиш ва яшил моддаларини йиғишини таъминлаш билан бирга унинг вегетация даврини қисқартиришни таъминлайдиган энергия-ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан республикамизда ширин қалампир кўчатларини етиштиришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш ва ширин қалампир кўчатларининг вегетация даврини камайтириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида, 2022-2026 йиллар оралиғида назарда тутилган, «...қишлоқ хўжалигини модерни-зация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»² бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ширин қалампир уруғлари ва кўчатларини электр авжлантириш ҳамда кўчат етиштиришда вегетация даврини қисқартиришни таъминлайдиган самарадор электротехнологияни ишлаб чиқариш шароитида қўллаш ёки иш режимларини асослаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-

¹ https://www.agrobank.uz/upload_files/documentation_file/6088f80c8a81d.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4246-сон қарорида республикамизда мавсумдан ташқари муддатларда сабзаёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, соҳада юқори даражали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш вазифаларини бажариш, ҳудудларида мавжуд бўлган иссиқхоналарни контурлар кесимида ҳар йили хатловдан ўтказиб, иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосил берадиган иссиқхоналарни янгилаш, камбағалликни қисқартириш мақсадида ҳар бир оилага кичик 2, 3, 4 сотихли иссиқхоналар ташкиллаштириш чора-тадбирлари бўйича вазифалар белгилаб берилган. Республикада иссиқхона хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга қаратилган ПҚ-4549, ПҚ-5200, ПФ-5853, ПҚ-4161, ПҚ-4246, ПФ-6159 ва бошқа қарор ва фармонларидаги вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ширин қалампир уруғларини экишдан олдин ва вегетация даврида электрофизик таъсирлар билан ишлов бериб, ширин қалампир кўчатлари уруғидан унвчанлиги ошириш ва тезлатиш, униб чиққандан кейин етилишини тезлатиб кўчат етиштиришнинг замановий технологияларни амалиётда қўллаш ва бу орқали натижаларга эришиш муҳим долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Замонавий модернизациялашган қурилма ва технологияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга ва уларни амалга жорий қилишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сунъий нурлатиш орқали уруғдан ўсимлик униб чиқиш жараёнини назорат қилиш ва ўсимлик ҳосилдорлигини ошири бўйича Л.Г.Прищеп, И.Ф.Бородин, Р.Г.Бутенко, И.Р.Владикин, Ф.Я.Изаков, В.Н.Карпов, Н.Ф.Кожевникова, О.А.Косицин, В.А.Козинский, А.П.Коломиец, Н.П.Кондратьева, В.М.Леман, А.К.Лямцов, В.В.Малишев, С.А.Овчукова, И.И.Свентицкий, А.П.Примак, С.А.Ракутко, С.А.Ратимешин, Г.С.Саричев, Д.С.Стребков, А.А.Тихомиров, С.В.Оськин, С.М.Яковлев, В.П.Шарупич, Е.П.Ключка, И.И.Каримов, В.П.Завей-Борода, Р.Маккре, Б.Сингх, П.Меккел, Ж.Боннет, П.Харрис, М.Фишер, И.Палов, К.И.Сираков, В.И.Баев ва бошқа бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Турли спектрга эга нурлатиш манбалари билан ўсимликларни сунъий нурлатиш орқали уруғдан ўсимлик униб чиқиш жараёнини бошқариш, ўсимликларнинг онтогенезини узайтириш ёки қисқартириш, ҳосилдорликни ошириш мумкин, бу эса қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда меҳнат ва энергия сарфини камайтиради. Шунинг учун иссиқхона ва иссиқхона шароитлари яратилган жойларида SMD 5050 тасмали светодиод нурлатгичлар ёрдамида ўсимликларни нурлатиш самарадорлигини оширишга бағишланган диссертация ишининг мавзуси долзарб бўлиб, илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда ўсимликларга нурлатиш усули билан электрофизик таъсир этиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаб қурилмаларнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар А.Раджабов, А.Мухаммадиев, М.Исмоилов, Ш.М.Музафаров, Х.М.Муродов, М.Холияров, А.Юсубалиев, М.Ибрагимов, Т.М.Байзаков, А.Х.Воҳидов, О.Т.Ахмедов, Н.Эшпулатов, А.Турдибоев, Д.Юсупов, О.Пиримов, А.О.Арипов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо ширин қалампир кўчатларини етиштиришнинг вегетация даврида нурлатиш учун энергоресурсстежамкор қурилмаларни ишлаб чиқиш ва нурлатиш манбаларининг иш режимларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №5.10. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларида электрофизик таъсирлар ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг назарий асослари ва амалий ечимлари» (2017-2020) мавзусидаги топшириқ доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Нурлатиш манбаларидан фойдаланиб ширин қалампир кўчатларини етиштиришнинг самарадор электротехнологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ширин қалампир кўчатларини етиштириш технологиялари ва техника воситаларига оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда ушбу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини тадқиқ этиш;

электр авжлантиришда ширин қалампир кўчатлари электрофизик хоссаларини тадқиқ этиш ва асослаш;

ширин қалампир уруғига экишдан олдин ва кўчатларга дастлабки электр ишлов берадиган нурлатиш қурилмасини мақбул параметрлари, иш режимларини назарий ва тажрибавий асослаш;

ширин қалампир уруғи ва кўчатларига электр авжлантириш учун ишлов берадиган нурлатиш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва ясаш;

қурилмани хўжалик синовларини ўтказиш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўсимликларни электр нурлатиш жараёни ва уни амалга оширадиган қурилма.

Тадқиқотнинг предмети. Уруғ униб чиқиши ва ўсиш жараёнига таъсир қилувчи спектрал хусусиятларга эга электр нурлатиш жараёнининг энергия интенсивлиги ўртасидаги аналитик боғланишлар, қурилманинг

параметрлари, иш режимларининг кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий электротехниканинг қонуниятлари, математик статистик таҳлил усуллари, нурлатишнинг назарий асослари, ўсимликлар физиологиясини тартибга солиш жараёнларини тавсифлашнинг вариацион ёндашуви, дифференциал тенгламаларнинг сонли ечими, математик статистика элементлари, назарий илмлар ва амалий тажрибаларни режалаштириш, тажриба натижаларини қайта ишлаш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нурлатиш билан ширин қалампир уруғи ва кўчатларига ишлов бериш асосида кўчат етиштиришнинг самарадор электротехнологияси ишлаб чиқилган;

электр ишлов бериб ширин қалампир кўчатлари етиштиришда, уларнинг вегетация даври, нурлатгичнинг ўрнатилиш баландлиги ва нурлатиш вақтига боғлиқлиги аниқланган;

ширин қалампир кўчатларига нур билан ишлов беришда нурлатиш манбасига берилаётган кучланишнинг кўчатларни етилиш давомийлигига таъсири аниқланган;

нурлатиш давомийлиги, нурлатгичларнинг ўрнатиш баландлиги ва манба кучланишини инобатга олган ҳолда кўп омилли тажрибалардан фойдаланиб кўчат етиштириш давомийлигини ифодалайдиган регрессия тенгламалари олинган ва уларни ечиш орқали кўчат етиштириш давомийлигининг мақбул параметрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ширин қалампир кўчатларини етиштиришнинг энергия самарадор электротехнологияси ва техник воситаси ишлаб чиқилган;

ширин қалампир кўчатларини қисқа вақтда етиштиришни таъминлайдиган нурлатиш қурилмалари билан ишлов беришнинг режим ва параметрлари аниқланган ҳамда электротехнологик усулда ширин қалампир кўчатларини етиштириш давомийлигини 25-30%га камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ширин қалампир кўчатларини етиштиришда электр нурлатишли ишлов бериш қурилмаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ширин қалампир кўчатларини етиштиришда уруғ ва кўчатга нурлатиш қурилмалари билан ишлов бериб, уруғларнинг униб чиқиш сонини кўпайтириш ва кўчат етиштириш давомийлигини камайтириш имконини берувчи энергия тежамкор электротехнология ишлаб чиқилганлиги, қурилма параметрлари ва кўчат етиштириш давомийлиги орасидаги функционал боғлиқлик қонуниятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ширин қалампир кўчатларини нурлатиш қурилмасидан фойдаланишда энергия ва меҳнат сарфи камайиши, ўсимликларни етиштиришда вегетация даврини қисқариши ҳисобига ҳаражатларни 26,3% гача камайиши таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ширин қалампир кўчатларини нурлатиш қурилмасинининг параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ширин қалампир уруғи ва кўчатларини нурлатиш қурилмаси билан нурлатиш технологияси Сабзавот полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти сабзавот ва полиз экинлари кўчатлари етиштиришга мўлжалланган лабораторияси, Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани «ELYOR SMART AGRO» МЧЖ ва «SOBR STROY SERVIS» МЧЖ иссиқхона хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги №02/23-04/1083-сон маълумотномаси). Натижада, фойдаланишдаги тўғридан-тўғри ҳаражатлар 2,1 мартагача камайиши, ширин қалампир кўчатларининг 1 ва 2 босқичлардаги унувчанлиги 11-12 кундан 7-9 кунга тезлашиши ва униб чиққан кўчатлар миқдори 10-15%га кўпайиши ва ўртача 50-60 кунда кўчат етиштирилишига эришилган;

ширин қалампир уруғлари ва кўчатларини нурлатиш қурилмасини ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқ) «БМКБ-Агромаш» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги №02/23-04/1083-сон маълумотномаси). Натижада, ширин қалампир кўчатларини нурлатиш учун материал ҳажмдорлиги техник топшириққа асосан амалдагига нисбатан 1,3-1,4 мартага камайиши ва қурилмани саноат усулида ишлаб чиқариш имкониятини яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар

тараққиёти устивор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ишончилиги, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иссиқхоналарда кўчатларни ўстириш технологиялари ва уларни самарадорлигини ошириш усуллари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республика олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва нашр этилган адабий маълумотлар шарҳланган. Жумладан, ширин қалампир уруғи ва кўчатлари ўсишини авжлантиришда мавжуд технологиялар ва техник воситалар, ширин қалампир уруғи ва кўчатларига дастлабки ишлов бериш жараёнларининг энергетик кўрсаткичлари ва ишлов бериш усуллари таҳлили, ширин қалампир уруғи ва кўчатларини авжлантиришга ва унинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишга энг кўп таъсир этувчи электрофизик ишлов бериш усуллари аниқлаш бўйича дастлабки экспериментлар натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ширин қалампир кўчатлари етиштиришнинг самарадор электротехнологиясини назарий асослаш**» деб номланган иккинчи бобида ширин қалампир кўчатларини етиштириш жараёнида нурлатиш манбаларидан фойдаланиш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Е.П. Ключка тадқиқотларида нисбий бирликларда ўсимлик томонидан тўпланадиган M биооғирлиги, ўсимликларнинг $\eta_{ўсим}$ самарадорлиги орқали оптик нурлатиш энергияси E_{τ} сарфланиши билан боғлиқлиги қуйидагича келтирилган:

$$M = C \eta_{ўсим} E \tau_{\epsilon} \quad (1)$$

бунда C - мутаносиблик коэффициентлари;

E - ўсимликларни нурлатилиш энергияси;

τ_{ϵ} - ўсимликларнинг ўсиш давомийлиги;

$\eta_{ўсим}$ - ўсимликнинг ўсиш самарадорлиги.

Бундан ўсимликнинг ўсиш давомийлиги - вегетация даври қуйидагича:

$$\tau_{\epsilon} = \frac{M}{CE \eta_{ўсим}} \quad (2)$$

О.А.Косицын томонидан таклиф этилган ўсимликларни сунъий нурлатиш жараёнини энергетик баҳолашнинг математик модели бўйича ўсимликларнинг нисбий маҳсулдорлиги орқали ёруғлик оқимидан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$A = \frac{M}{W} \quad (3)$$

бунда M - маҳсулотнинг биооғирлиги (ширин қалампир кўчатлари оғирлиги),
g;

W - нурлатиш бирлиги томонидан нурлатиш даври t_b да истеъмол қилинадиган электр энергияси, $kW \cdot soat$.

Бундан

$$W = P_k t_b = \frac{E_{min} S}{z \eta_o \eta_\phi \eta_u} t_b \quad (4)$$

бунда P_k - нурлатиш қурилмасининг қуввати, W ;

t_b - нурлатиш вақти, $soat$;

E_{min} - минимал фотосинтетик нурлатиш, fit/m^2 ;

z - нурлатишнинг бир хиллик коэффиценти;

η_o - нурлатгичнинг ФИКи, нисбий бирликда;

η_ϕ - нурлатгичнинг фитоёритиши, fit/W ;

η_u - фотофаол нурлатиш соҳасидаги оқимдан фойдаланиш коэффиценти, нисбий бирликда.

Нурлатиш манбасидан фойдаланиб етиштириладиган ўсимликларнинг нисбий маҳсулдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$A = \eta_o \eta_\phi \eta_u \frac{Mz}{SEt_b} \quad (5)$$

Етиштириладиган маҳсулотнинг биооғирлиги қуйидагича тенг бўлади:

$$M = \frac{ASEt_b}{z \eta_o \eta_\phi \eta_u} \quad (6)$$

Нурлантдириладиган ишчи юза қуйидагича ифодаланади:

$$S = \frac{E^2 l^2 \omega}{\cos \beta} \quad (7)$$

(5), (6) ва (7) ифодаларни (2) га қўядиган бўлсак, қуйидаги кўринишга келади:

$$\tau_b = \frac{M}{CE \eta_{\text{ўсим}}} = \frac{A \omega E^2 l^2 t_b}{C \eta_{\text{ўсим}} z \eta_o \eta_\phi \eta_u \cos \beta} = a E^2 l^2 t_b \quad (8)$$

Юқоридаги ифода ширин қалампир кўчатларини етиштиришда вегетация даври нурлатиш жараёни параметрлари, нурлатгичнинг ўрнатилиш баландлиги ва нурлатиш вақтига боғлиқлигини назарий ифодалайди. Яратилган нурлатиш шароитларининг ўсимликларга таъсири, унинг маҳсулдорлиги кўрсаткичи сифатида ширин қалампир кўчатларини етиштириш даврининг қисқалиги ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ширин қалампир кўчатларини етиштириш учун нурлатиш қурилмасини тадқиқ этиш ва электротехнологиясини экспериментал асослаш**» деб номланган учинчи бобида ширин қалампир кўчатини етиштиришнинг самарадор электротехнологиясини асослаш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари, ултрабинафша нурлатиш билан

ширин қалампир уруғларини униб чиқиш ва кўчат етиштириш жараёнини математик моделлаштириш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ширин қалампир ўсимликларини етиштиришда уруғларга экишдан олдин ишлов бериш ва ўсишни таъминлаш чоралари кўрилган. Дастлабки босқичда уруғларга УБ-С ультрабинафша нурлатгичлари билан нурлатиб ишлов берилди ва уруғларнинг униб чиқиш давомийлиги баҳоланди. Уруғлар униб чиққанидан кейин нормал фотосинтез жараёнини давомийлигини ошириш учун светодиод лентали нурлатгичлари билан ишлов берилди, кейинчалик уларда яшил массанинг ўсиши кузатилди. 8-9 та чинбарг ва бўйи 15-18 см бўлган ширин қалампир кўчатлари етишган ҳисобланади.

«Дар Ташкента» навли ширин қалампир кўчатларини етиштириш учун экишдан олдин уруғларга ультрабинафша нурлатиб, униб чиққандан кейин светодиод лентали нурлатгичли қурилма билан ишлов беришда электр таъсирини ифодаловчи асосий факторлар сифатида қуйидагилар қабул қилинди: ишлов бериш вақти (τ), уруғ ёки кўчат билан нурлатгич орасидаги масофа (l), тармоқ кучланиши (U). Ширин қалампир кўчатларини етиштириш учун нурлатиш ва ёритиш қурилмалари самарадорлигини баҳолаш ва ишлов берилаётган маҳсулотни характерлаш учун уруғларнинг унувчанлиги, уруғларнинг униб чиқиш тезлиги ($\tau_{\text{униб чик}}$) ва кўчатларнинг етилиш тезлиги ($\tau_{\text{в}}$) қабул қилинди.




1-расм. Ультрабинафша нурлатиш билан ишлов берилган ширин қалампир уруғларининг униб чиқиш вақтини нурлатгичнинг ўрнатилиш баландлигига боғлиқлиги

Ширин қалампир уруғларини ультрабинафша нурлари билан ишлов берилгандан кейин униб чиқиш вақти 1-расмда кўрсатилган.


Графикдан кўриниб турибдики, уруғларга УБ-С 2x20 Wли ультрабинафша нурлатгич билан дастлабки хар хил масофалардан ишлов бериш натижаларига кўра 0,5 м масофадан ишлов берилган вариантда энг юқори ижобий натижага эришилди. Уруғларнинг униб чиқишининг 1-2-босқичларида назорат ва ҳозирда маълум бўлган усул тузли сув эритмасида

(1%ли) ивितिб экиш усулига нисбатан тез 6-8 кунда ва кўпроқ 70-75% уруғлар униб чикди.



2 -расм. Светодиод лентали нурлатгичли қурилмалар томонидан яратилган фаол радиация худудида нурлатишнинг тарқалиши

Ширин қалампир кўчатларини ўстириш худуди нурлатишининг ҳар бир тури учун фотосинтетик фаол радиация худудида нурлатишнинг ўртача қийматларининг тақсимоти 2-расмда кўрсатилган. 2-расмга мувофиқ модернизациялашган ёруғлик тақсимотига эга бўлган нурлатгич, SMD 5050 светодиоид лентали нурлатиш қурилмалари томонидан яратилган фаол нурлатиш худудида нурлатишнинг тарқалиши фаоллиги яққол кўриниб турибди.




3-расм. Светодиод лентали нурлатгичлар ўрнатиш баландлигининг ширин қалампир кўчатлари ўсишига боғлиқлиги

Нурлатиш манбанинг хар хил ҳолатларида светодиод лентали нурлатиш манба билан сунъий нурлатилиб, ўсимлик вегетация даврида ўсишининг энг нурлатгич ўрнатиш баландлигига боғлиқлиги 3-расмда келтирилган.

Нурлатиш манбанинг хар хил ҳолатларида серияли нурлатиш манба билан табиий ва сунъий (сутканинг табиий ёруғлиги тугаши билан қўшимча сунъий нурлатишнинг давом эттирилиши) нурлатилиб, 0,7 m баландликдан нурлатилган ўсимлик вегетация даври бошқа вариантларга қараганда қисқалиги кузатилди.


Ширин қалампир кўчатларини етиштиришда нурлатиш қуриламаси нурлатилганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилади. Тармоқ кучланиши ўзгариши нурлатиш қурилмасининг нурлатилганлигига таъсир кўрсатадиган бирламчи кўрсаткич бўлиб, текшириш натижаларига кўра нурлатиш қурилмаси нурлатилганлигининг тармоқ кучланишига боғлиқлик $E=f(U)$ графиги тузилди (4-расм).



4-расм. Лампа нурлатилганлигининг тармоқ кучланишига боғлиқлик графиги

Юқоридаги графикдан шуни такидлаш мумкинки, тармоқ кучланиши $U=210$ V гача ортиб борганда лампанинг нурлатилганлиги 450 lx гача ошиб боради ва ундан кейин кучланиш қийматини оширган билан нурлатилганлик ўзгармасдан қолади. Ширин қалампир кўчатларига ишлов беришда лампага бериладиган кучланишни 210 V гача қийматда олиш мумкин, бу кучланишнинг қиймати эса тармоқдан истеъмол қилинадиган қувватни ҳам камайтириш имконини беради.


Ширин қалампир кўчатларини етиштириш τ давомийлигини баҳолаш учун нурлатиш қуриламаси ўсимликка нисбатан керакли ўрнатиш баландлиги аниқлаш талаб этилади. Нурлатиш қурилмасини бир неча хил баландликларда осиб текшириш натижаларига кўра нурлатиш қурилмасининг ўсимликларга таъсир кўрсатиш ва ўзгариш чегараларини аниқлаш учун кўчат етилиш давомийлиги τ нинг l баландликка боғлиқлик графиги $\tau=f(l)$ тузилди (5-расм).



5-расм. Турли хил ишлов бериш давомийлигида кўчат етилишининг нурлатгич ўрнатиши баландлигига боғлиқлиги


Юқоридаги графикдан кўриши мумкинки, нурлатиш қурилмасининг ўрнатиш баландлиги $l=0.6$ m гача ошириб борганда кўчат етилиши (18-20 см бўйи ва 7-8 та чин баргларга эга бўлиб қатор оралаб экишга тайёр бўлган) давомийлиги 45-50 суткани ташкил этаган. Нурлатгичнинг ўрнатиш баландлигини 0,7 метрдан ошиши билан кўчат етилиши давомийлиги камайиб боради. Ширин қалампир кўчатларини етиштириш τ давомийлигини баҳолаш учун нурлатиш қуриламаси биланг ўсимликни нурлатиш давомийлиги яни нурлатиш вақтини аниқлаш талаб этилади.

Нурлатиш қурилмасини бир неча хил вақт давомийлигида нурлатилиб текшириш натижаларига кўра нурлатиш қурилмасининг ўсимликларга таъсир кўрсатиш ва ўзгариш чегараларини аниқлаш учун кўчат етилиш давомийлиги τ нинг t вақтга боғлиқлик $\tau=f(t)$ графиги тузилди (6-расм).



6-расм. Нурлатгичларнинг турли хил ўрнатиш баландлигида кўчат етилишининг суткалик нурлатиш давомийлигига боғлиқлиги

Кўчатлар ўсиши графигининг кўрсатишича нурлатиш қурилмасининг нурлатиш давомийлиги $t=7$ soat мобайнида нурлатилганда энг тез 45-50 суткада кўчатлар керакли 18-20 sm бўй ва 7-8 та чин баргларга эга бўлиб қатор оралаб экишга тайёр бўлади. Ширин қалампир кўчатларини етиштириш τ давомийлигини баҳолаш учун нурлатиш қуриламаси билан ўсимликни нурлатиш вақтида нурлатиш манба кучланишини аниқлаш талаб этилади.



7-расм. Кўчат етилишининг тармоқ кучланишига боғлиқлиги

Нурлатиш қурилмасини бир неча хил ўрнатиш баландлиги, нурлатиш вақти ва нурлатиш манбани тармоқнинг турли хил кучланишларида нурлатилиб текшириш натижаларига кўра нурлатиш қурилмасининг ўсимликларга таъсир кўрсатиш ва ўзгариш чегараларини аниқлаш учун кўчат етилиш давомийлиги τ нинг U кучланишига боғлиқлик $\tau=f(U)$ графиги тузилди (7-расм). Кўчатлар ўсиши графигининг кўрсатишича тармоқ кучланишининг $U=210$ V бўлганда нурлатиш қурилмаси юқори самарадорликка эришмоқда, яъни кўчатлар энг тез 45-50 суткада кўчатлар керакли 18-20 sm бўй ва 7-8 та чин баргларга эга бўлиб қатор оралаб экишга тайёр бўлади.

Кодланган қийматларни натураль қийматларга ўтказиб ва тегишли ўзгаришлардан кейин электр нурлатиш билан ширин қалампир кўчатларини етиштириш жараёнини ифодаловчи математик модели қуйидаги кўринишга келади:

$$\tau_{\text{униб.чик}} = 13,17 - 40,05 l + 1,01 t + 0,05 lt + 40,25 l^2 - 0,055 t^2 \quad (9)$$

Математик моделнинг оптимум қийматини топиш учун PascalABC компьютер дастурида ҳисобланган. Тадқиқотлар натижасида ширин қалампир уруғларини нурлатиб, уруғларнинг униб чиқишини кузатиш билан ширин қалампир уруғларини нурлатиш жараёнининг қуйидаги оптимал параметрлари аниқланди: нурлатиш қурилмасининг ўрнатиш баландлиги

0,5 m, нурлатиш давомийлиги 9,4 min. Ушбу параметрларда ишлов берилганда ширин қалампир уруғларини униб чиқиши 8 кунни ташкил этади.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида электр нурлатиш билан ширин қалампир кўчатларини етиштириш жараёнини ифодаловчи математик модели қуйидагича аниқланди:

$$\tau_{\text{e}} = 92,82 - 117,79l - 9,93t + 0,119U + 1,7lt - 0,22Ul - 0,005Ut + 184l^2 + 0,68t^2 + 0,00004U^2 \quad (10)$$

Математик моделнинг оптимум қийматини PaskalABS компьютер дастурида ҳисоблаб топиш учун ширин қалампир кўчатларини сунъий ёритиб етиштириш даражасини ҳисоблаш алгоритмининг блок схемаси бўйича математик моделнинг оптимум қийматини топиш учун PaskalABS компьютер дастурида ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар натижасида нурлатиш билан ширин қалампир кўчатларини етиштириш жараёнининг қуйидаги оптимал параметрлари аниқланди: нурлатиш қурилмасининг ўрнатиш баландлиги 0,5 m, нурлатиш давомийлиги 7,4 soat/kun, манба кучланиши 210 V. Ушбу параметрларда ишлов берилганда ширин қалампир кўчатларини етиштириш давомийлиги $\tau_{\text{в}} = 45,85$ кунни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Ширин қалампир кўчатларини етиштиришнинг самарадор электротехнологиясини ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш ва самадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган ширин қалампир кўчатларини етиштиришнинг самарадор электротехнологиясини дала шароитида синовдан ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти полиз экинлари кўчатларини етиштириш ва кўпайтириш илмий лабораторияси, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги «SOBR STROY SERVIS» МЧЖ ва «ELYOR SMART AGRO» МЧЖларнинг иссиқхона хўжалигида дала шароитида синовдан ўтказилди. 2019-2022 йилларда ишлаб чиқариш шароитида янги электротехнологик усулда ширин қалампир кўчатлари етиштиришнинг агротехник тадбирлари, технологик режим ва параметрларини текшириш бўйича тадқиқот ўтказилди. Ширин қалампир кўчатларини тез ва сифатли етилиши учун уруғларига экишдан олдин ултрабинафша нур билан нурлатиб ва кўчатлар униб чиққанидан кейин светодиод нурлатгич билан қўшимча ёритиб ишлов бериш орқали дала синовлари олиб борилди.

Намуналар бир хил парваришланди униб чиққанидан кейин озиқлантириш ҳам бир хил, ҳар куни бир мартадан суғориб турилди. Илмий лаборатория ва МЧЖлар иссиқхона хўжаликларидаги ишлаб чиқариш тажриба иссиқхоналарида ширин қалампир кўчатларини электротехнологик усулда етиштириш бўйича олиб борилган тажриба синовларимиз шуни кўрсатдики, экишдан олдин ултрабинафша нур билан ишлов берилиб

ундирилди (1-жадвалга қаранг). Кўчатлар тўлиқ 1, 2 ва 3-босқичларда униб чиққандан кейин электротехнологик ишлов берилган кўчатларнинг назоратга нисбатан униб чиқиши 10-15% га, кўчат униб чиқиш вақти 4-5 кунга тезлашиши кузатилди.

1-жадвал

Ширин қалампир уруғларига ултрабинафша нурлатиш билан ишлов беришнинг униб чиқишига таъсири

Тажриба вариантлари	Ширин қалампир нави	Уруғларнинг униб чиқиш даври, <i>kun</i>	Ҳар 100 дона уруғлардан униб чиққан кўчатлар сони, <i>dona</i>
Сабзовот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти тажриба станцияси			
Тажриба намунаси	«Дар Ташкента»	7-9	67-71
Назорат намунаси (Физиологик усул)	«Дар Ташкента»	12-14	51-55
«SOBR STROY SERVIS» МЧЖ			
Тажриба намунаси	«Дар Ташкента»	7-10	65-70
Назорат намунаси (Физиологик усул)	«Дар Ташкента»	12-14	50-55
«ELYOR SMART AGRO» МЧЖ			
Тажриба намунаси	«Дар Ташкента»	7-9	65-70
Назорат намунаси (Физиологик усул)	«Дар Ташкента»	12-15	48-52

2-жадвал

Ширин қалампир кўчатларига светодиоид нурлатгич билан электротехнологик ишлов беришнинг кўчат етилишига таъсири

Тажриба вариантлари	Ширин қалампир нави	Кўчат етилиш даври, <i>kun</i>
Сабзовот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти тажриба станцияси		
Тажриба намунаси	«Дар Ташкента»	45-50
Назорат намунаси (Физиологик усул)	«Дар Ташкента»	75-80
«SOBR STROY SERVIS» МЧЖ		
Тажриба намунаси	«Дар Ташкента»	45-52
Назорат намунаси (Физиологик усул)	«Дар Ташкента»	80-85
«ELYOR SMART AGRO» МЧЖ		
Тажриба намунаси	«Дар Ташкента»	45-50
Назорат намунаси (Физиологик усул)	«Дар Ташкента»	70-80

Кўчат етиштиришнинг вегетатсия даври сўнгида етиштирилган ширин қалампир кўчатларининг умумий ривожланишини давлат стандарт (ЎзДСт 1192:2019) талабларига қиёслаш натижалари шуни кўрсатдики, кўчат етиштиришда ширин қалампир уруғларига ултрабинафша нур билан таъсир этириб, униб чиққан кўчатларга светодиод нурлатгич билан электр технологик ишлов беришнинг кўчатлар узунлиги, ривожланган чин барглари сони, илдизлар сони ва илдиз узунлигини оширишга ижобий таъсир қилишини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

Кўчатлар тўлиқ 1, 2-босқичларда ундирилгандан сўнг электр технологик ишлов берилган кўчатларнинг назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш учун 1 гактар ер майдонида кўчат етиштириш учун кетадиган харажатлар ва етиштирилган кўчатларни сотишдан тушадиган даромаднинг тафовути ҳисоблаб чиқилди. «Дар ташкента» навли ширин қалампир уруғларига экишдан олдин ва униб чиққандан кейин электротехнологик ишлов бериш қурилмасидан фойдаланиш, кўчат етиштириш гектарига 5,0-5,2 млн донадан, 7,5-7,7 млн. донага кўпайтиришга ва кўчат етилишининг тезлашишига имкон яратди. Бу эса кўчат етиштиришда махсус бино ва иншоотлардан оқилана фойдаланиш ва кўчат таннархини камайтириш орқали кўчат етиштириш рентабиллигини оширишга имкон яратди.

Электр нурлатиш қурилмаларидан фойдаланиб ширин қалампир кўчатларини етиштириш стандарт кўчатлар чиқишини гектарига 2780000 донага кўпайтиришга ва етиштирилаётган 1 дона кўчатнинг таннархини 64,68 сўмга камайтиришга имкон яратди.

Таклиф этилаётган технология бўйича ширин қалампир кўчатларини сотишдан олинадиган қўшимча соф фойдадан (784415920 сўм) қурилма бахосини (49640000 сўм) айирадиган бўлсак, ширин қалампир кўчатларини етиштиришда 1 гектаридан 734775920 со'м иқтисодий самарадорликка эришилди.

Шундай қилиб, иқтисодий ҳисоблар ширин қалампир кўчатларини етиштиришда электр нурлатгичлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

“Ширин қалампир кўчатларини етиштиришнинг самарадор электротехнологияси” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Иссиқхона шароитида ширин қалампир кўчатларини етиштириш технологиялари, технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, техник воситаларининг ҳолати ва ширин қалампир кўчатларини етиштиришда қўлланилаётган технологияни такомиллаштириш ва уни амалга оширишда қўлланиладиган ускунани яратиш имконини яратди.

2. Ширин қалампир кўчатларининг физиологик ва электрофизик хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида, ширин қалампир уриғига экишдан олдин ултрабинафша нур билан ишлов бериш, униб чиққан ўсимликни нурлатишда SMD 5050 ёруғлик диодли нурлатгичлардан фойдаланиш, бошқа нурлатиш қурилмаларга нисбатан уруғларни униб чиқиши ва ширин қалампир кўчатларини етиштириш жараёнини жадаллаштириш имконини беради.

3. Ширин қалампир кўчатларини етиштиришда вегетация даври билан нурлатиш параметрлари орасидаги функционал боғлиқлик аниқланди. Натижада ширин қалампир кўчатларини етиштиришда ёруғлик диод нурлатгичлар билан уруғ ва кўчатни нурлатиш асосида вегетация даврини қисқартириш имкони яратилган.

4. Таклиф этилаётган усул билан ишлов беришда ишчи майдонда нурлатилганлик даражаси 1,5 барабар ортишини ҳисобига «Дар Ташкента» навли ширин қалампир кўчатининг етилишини амалдаги технологияга нисбатан 25-30 кунгача тезлатиш мумкин. Натижада маҳсулотларнинг пишишини тезлаштириш ҳисобига иссиқхоналарда экин етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириши ва қишлоқ хўжалигига татбиқ қилиниши имконини яратилади.

5. Тадқиқотлар натижасида ширин қалампир уруғларини нурлатиб, уруғларнинг униб чиқишини кузатиш билан ширин қалампир уруғларини нурлатиш жараёнининг қуйидаги мақбул параметрлари аниқланди: нурлатиш қурилмасининг ўрнатиш баландлиги 0,5 m, нурлатиш давомийлиги 9,4 min. Ушбу параметрларда ишлов берилганда ширин қалампир уруғларини униб чиқиши 8 кунни ташкил этади.

6. Тадқиқотлар натижасида нурлатиш билан ширин қалампир кўчатларини етиштириш жараёнининг қуйидаги мақбул параметрлари аниқланди: нурлатиш қурилмасининг ўрнатиш баландлиги 0,5 m, нурлатиш давомийлиги 7,4 soat/kun, манба кучланиши 210 V. Ушбу параметрларда ишлов берилганда ширин қалампир кўчатларини етиштириш давомийлиги 55 - 60 кунни ташкил этади.

7. Иқтисодий ҳисоблар ширин қалампир кўчатларини етиштиришда электр нурлатгичлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлиliga кўра, таклиф этилаётган ширин қалампир кўчатларини етиштиришда электр нурлатиш қурилмаларидан фойдаланишни амалиётга қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги 1 йилда 2 марта кўчат етиштириш ҳисобига 1 гектар иссиқхонадан олинадиган соф фойда 734 млн. 775 920 сўмга тенг бўлди

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

ЮСУПОВ ШАРОФИДДИН БУРАНОВИЧ

**ЭФФЕКТИВНАЯ ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ
РАССАДЫ СЛАДКОГО ПЕРЦА**

05.05.07 – «Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В 2022.4.PhD/T1839

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.tiiame.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Байзаков Тахир Мирзанович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Музафаров Шавкат Мансурович
доктор технических наук, профессор

Ахмедов Олимжон Турсунбоевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский Государственный
Аграрный Университет

Защита диссертации состоится « 13 » декабря 2022 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-09-75, mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер 236). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий, дом 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-09-75, e-mail: admin@tiiame.uz.

Автореферат диссертации разослан « 3 » декабря 2022 года.

(протокол рассылки № 80 от « 30 » августа 2022 г).



Б.С. Мирзаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

У.Т. Кузиев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
PhD., доцент

А. Мухаммадиев
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

А. Мухаммадиев

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире использование энергоэффективных приемов и технологий выращивания рассады овощей и овощных культур стало занимать одно из ведущих мест. «Если учитывать, что в мире выращивается 33,4 млн. тонн плодов сладкого перца»¹, то требуется внедрение в производство ресурсосберегающих технологий для удешевления их стоимости. В частности, в период вегетации растения сладкого перца имеет важное значение использование энергосберегающих технических средств и приспособлений. В связи с этим, при выращивании рассады сладкого перца, имеет важное значение широкое внедрение электротехнологий и устройств.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств для выращивания сладкого перца и его рассады. В связи с этим, особое внимание при выращивании плодов сладкого перца, уделяется разработке энерго-ресурсосберегающих технологий, обеспечивающих необходимый уровень роста и накопления зеленых веществ в рассадах в течение вегетационного периода, а также обоснованию его технологического процесса, параметров и режимы работы. Также были реализованы комплексные меры по разработке методов и ресурсосберегающих технологий, позволяющих снизить трудозатраты и энергозатраты, сэкономить ресурсы и сократить вегетационный период рассады сладкого перца. При выращивании рассады сладкого перца в Республике достигнуты определенные результаты.

